

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 10 ноябрь, Душанба

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 220 (11.281)

Баҳоси эркин нархда


ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кечка сатрларда

- **БУГУН** Тошкент шаҳар ҳокимлигида Тошкент шаҳар Факулдада вазиятлар бошқармаси ташаббуси билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида семинар уюштирилди.
- **ШАҲРИМИЗДА** тадбиркорлар иштирокида ўтказилган тадбирда ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириб, бу борада рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.
- **ВОҲИДОВ** номли республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида жарроҳ шифокорлар иштирокида жарроҳлик соҳасини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари бағишланган тадбир бўлиб ўтди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги лицейда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «ОИТС, гигиеналик ва одам савдосига қарши кураш» мавзусида ўтказилган тадбир Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида уюштирилди.
- **ТАСВИРИЙ** санъат галереясида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан болалар ўртасида уюштирилган «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.
- **МИРОБДИ** туманидаги Фафур Фулом номли маданият уйида ўқув курслари, тўғарақлар қатнашчилари, бадиий-ҳаваскорлик жамоалари аъзолари иштирокида уюштирилган «Очқ дарс» тадбири ва концерт дастури Ёшлар йилига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



Мазкур шўба корхонасида ҳозирда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда хорижий, замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган тайёрлов, таъмирлаш-механика, асбобсозлик цехларида малакали, ўз касбининг ҳақиқий усталари меҳнат қилишмоқда. Улар юк вагонларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ҳамда керакли эҳтиёт қисмларни тайёрлашни сифатли амалга оширади. Айтиш жоизки, бу каби корхона — нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда ҳам тармоқда ягона.


— «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси асосий бурютомачимиз ҳисобланади, — дейди корхона директори Фарҳод Қубулов. — Бир ойда бурютомачиларимизга 40 та вагонларни сифатли таъмирлаб, модернизация қилиш туфайли уларнинг хизмат мuddатларини узайтира-миз. Жумладан, ишчи-хизматчиларимизнинг самарали сайъ-ҳаракатлари туфайли ушбу даврда 15 та вагонлар куриб битказилиб, ярим йилликда 1 миллиард 900 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди.

«Ўзбекэкспомарказ»да ўтказилган Республика саноат ярмар-

КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА ЮРТИМИЗДА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИДА ҲАМ КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ВА ЯНГИЛИНИШЛАР ЮЗ БЕРМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮКЛАРИНИ ТАШИШГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖНИ ҚОНДИРИШ, ҲАРАКАТ ТАРКИБЛАРИНИ ЯНГИЛАШ ИШЛАРИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА. ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗТЕМИРЙЎЛ-МАШТАЙМИР» УНИТАР КОРХОНАСИ ТАРКИБИДАГИ «ҚУЮВ МЕХАНИКА ЗАВОДИ» ШЎБА КОРХОНАСИ ҲАМ УШБУ СОҲА РИВОЖИДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА.

Иқтисодиёт

ЎЗ СОҲАСИДА ЕТАКЧИ



унумли фойдаланилмоқда. Масалан, ёш кадрлар шу ернинг ўзига ўқитилади, зарурият туғилганда эса Тошкент темир йўллари муҳандислари институти ҳамда Россиядаги турдош корхоналарда малака оширилади.

Ушбу шўба корхонасида 2000 йилдан буён ишлаб чиқаришда халқро сифат стандарти — ИСО 9001 талаблари асосида иш юритиб келинмоқдаки, унга асосан бурютомачилар сафи кенгайиб, ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бормоқда.

Бундан ташқари, импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлар қатор афзалликларини ҳам яққол намойиш қилмоқда — сифатда хорижийдан асло қолишмаслиги, нарҳининг арзонлиги ва албатта, бурютма тез ва соз баҳарлилиги билан алоҳида аҳамиятга эришди. Халқ хўжалиги тармоқлари учун керакли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, улар турларини кўпайтириш, сифатини ошириш йўлида изланаётган мазкур корхона етакчи мутахассислари

республика саноат ярмаркасидаги экспозициясида ўзларининг маҳсулот ва хизмат турларини кўрсатишлари кенг тарзда тавсия этиш билан бирга, 2009 йилда ишлаб чиқарилиши режаланди. Бундан ташқари мунтазам фаолият олиб бораётган 850 дан ортик клуб ва марказлар, спорт секциялари ҳамда тўғарақларга 25 минг нафардан зиёд йигит-қиз жалб этилди.

Питнаклик тадбиркор Умидбек Матёкубов «Озода-нон» хусусий корхонасини ташкил этиб, Хоразмда биринчилардан бўлиб, соғлиқ учун фойдали бўлган парҳез нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. У «Ипотекабанк»нинг вилоят бўлимидан 100 миллион сўмлик кредит олиб, Туркиянинг «Экмасан» фирмасидан зарур ускуналар олиб келиб ўрнатди. Натижада 20 киши ишли бўлди.

Сурхондарё вилотидаги «Қишлоқхўжалиқиммё» акциядорлик жамиятининг Ангор тумани филиалига қарашли Н.Азизов номидаги шохобчасида галла майсаларини суспензия усулида озиклантиришга бағишланган кўргазмали семинар ўтказилди.

ЖАҲОНДА

- **Кеча Куба давлати раҳбари Раул Кастро ҳамда Россия Федерацияси Бош вазири ўринбосари И.Сеченов Куба ҳамда Россия мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг истиқболларини муҳокама қилдилар.**
- **ОПЕКнинг нефть ишлаб чиқариш микдорини кунига 1,5 миллион баррелгга қисқартириш тўғрисидаги қарорига асосан Эрон нефть вазири Ф.Назарий мамлакатда шу ойдан «қора олтин» етказиб беришни суткасига 199 минг баррелгга камайтирилишини эълон қилди.**
- **Америкада кузатилаётган иқтисодий танглик ишислар сонининг кескин кўпайишига сабаб бўлмоқда. Маълумотларга қараганда ҳозирда ишислар сони 481 минг кишига етган. Биргина ўтган октябр ойининг ўзида 200 минг нафар америкалик ўз иш ўрнини йўқотган. Ишсизликнинг бу даражада ортиши мамлакатда сўнги 25 йилда кузатилмаган.**
- **Шри-Ланка ҳарбий ҳаво кучлари Тамил илаом овозлик йўлбарслари ғуруҳи жангариларига қарши ҳужум уюштирди.**
- **Грозний шаҳридаги милиция постининг номаълум кимсалар томонидан ўққа тутилиши натижасида битта милиция ходими ҳалок бўлди, икки нафари эса жароҳатланди.**
- **Пекинда Хитой Миллий кутубхонаси янги биносининг очилиши уни эгаллаб турган майдонга кўра жаҳонда учинчи бўлишига имкон яратди. Ҳозирда эски бино билан бирга миллий кутубхона эгаллаб турган майдон 250 минг квадрат метрни ташкил этади. Бу борада фақат Франция ҳамда АКШ миллий кутубхоналари пекинликлардан олдинга ўтиб кетган.**
- **Япония ҳукумати энг замонавий технологиялар ишлаб чиқаришга ихтисослашган жамғарма очиб ниятида. Унинг сармояси 2 миллиард АКШ долларини ташкил этади. Маълумотларга кўра мазкур лойиҳа ўн йил мобайнида мамлакат иқтисодий ўсишини икки фоизга ошириш имконини беради. Ушбу жамғарма ҳукумат ва ишбилармонлар сармояси асосида ташкил этилади.**
- **Кубанинги Gubapetroleo (Cupet) давлат нефть компанияси Мексика бўғизидagi конда нефть захиралари 20 миллиард баррелдан кўплигини эълон қилди. Бу ерда суюқ углеводородларни қазиб келаси йилнинг ўрталаридан бошланиши мумкин. Агарда захиралар ҳажми ҳақиқатан ҳам юқоридаги микдорга тўғри келса Куба улкан нефть захираларига эга 20 мамлакат қаторига кириши мумкин.**
- **Англиянинг Манчестер шаҳрида Рубик кубикларини йиғиш бўйича халқаро мусобақалар бўлиб ўтди.**

2008 — Ёшлар йили

ЁШЛАР ВА ҲУҚУҚ

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚҶМИТАСИ ВА БМТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАСТУРИ ҲАМКОРЛИГИДА МАКТАБ ТАЪЛИМИДА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2008 йил 1 май кунини имзоланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан ташкил этилган ушбу тренингда педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг раҳбарлари ва ўқитувчилари иштирок этиди.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Г.Маърупова мамлакатимизда ёш авлоднинг пухта таълим олиши, ёшларни миллий анъаналаримизга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, фидойилик қоялари асосида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратила-

СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИНИ ЯНАДА СОҒЛОМЛАШТИРИШ, ОИЛА, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ЭТИШ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТУРМУШАЙТГАН СИЁСАТИНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДИР.

Пойтахтимизда Тиббиёт ходимлари кўнига бағишланган анжуманида шулар алоҳида таъкидланди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирга тиббиёт-соғломлаштириш муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, шифокорлар, олимлар таклиф этилди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, янги тиббий-соғломлаштириш мажмуалари, оилавий поликлиникалар, шифохоналар, диспансерлар барпо этишга,

уларни замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда шифокорлар, соҳанинг ўрта ва кичик бўлини ходимлари касб малакасини ошириш, меҳнатини эъзозлаш, моддий ва маънавий кўлаб-қувватлаш масаласи давлатимизнинг доимий диққат эътиборидир. Бу эса аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг янада юксалиши, халқимиз саломатлигининг мустаҳкамлашига хизмат қилмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнига жамоат ташкилотлари, жумладан, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жа-

мғармаси ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, жамғарма Республика «Она ва бола» скрининг маркази ҳамда уларнинг минтақавий бўлиmlарини зарур реагентлар ва дори-дармонлар, тиббий препаратлар, гигиена воситалари ва жиҳозлари билан таъминлашга, гўдақларни малакали шифокорлар иштирокидаги текширувдан ўтказишга, улардаги айрим хасталиқларни ўз вақтида аниқлаш, даволаш-соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

«Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар доирасида жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги тиббий-ижтимоий патронаж бўлиmlари, кўма тиббий бригадалари аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатаётди.

Тадбирга тиббиёт соҳасида самарали меҳнат қилиб келаётган шифокорларга эъдилик совғалари топширилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА

МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛАМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ, ХАЛҚИМИЗ ФАЛОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА. УШБУ ЖАРАЁНДА ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ШАРТЛАРИДАН БИРИ БЎЛГАН МОНОПОЛИЗМ КЎРИНИШЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ ВА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИ ЎЗИНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИНИ БЕРМОҚДА.

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган изчил сиёсат туфайли сўнги ўн йил мобайнида монополист корхоналар сони 3,5 баробар, монопол маҳсулотлар тури эса 26 баробар қисқарди. 2004-2007 йиллар давомида янги ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида монопол маҳсулотлар улуши 26 фоиздан 21 фоизга тушди.

Тулақонли бозор инфратузилмасини шакллантириш, соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш туфайли тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари сони ҳамда уларнинг янги ички маҳсулотдаги улуши йил сайин ортиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи ақунларига кўра, янги ички маҳсулотда кичик бизнес салмоғи ўтган йилнинг тегишли давридаги 43,1 фоиз ўрнига 45,3 фоизга ошгани бу фикрнинг исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўлаб-қувватлаш давлат қўмитасида мамлакатимиз ички бозорида рақобат муҳитини янада ривожлантириш масалаларига бағишланган тадбир матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз борди.

Мазкур қўмита раиси ўринбосари А.Абдурашидов юртимизда монополист ва табиий монопол бўлган корхоналар фаолиятини тартибга солиш ҳамда соғлом рақобат муҳитини таъминлашга доир қонунчилик асослари яратилганини алоҳида таъкидлади. Жумладан, 1996 йилда қабул қилинган «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги, 1999 йилда қабул қилинган «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонунлар монополистик даврга эга корхоналар фаолиятини тартибга солишини қонуний асосларини таъминлашга мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қонун ҳужжатларини бугунги кун талабидан келиб чиқиб янада такомиллаштириш юзасидан зарур ишлар амалга оширилаётди.

Корхоналар томонидан қонун талабларига қатъий риоя этилиши доимий назоратда. Қонун бузилишига йўл қўйган корхоналарга нисбатан ўз вақтида чоралар кўришмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида текшириш ўтказилган қатор корхоналарда турли қўриқ-нишдаги қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди ва бартараф қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири



Жахон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

Биз яшаётган моддий олам сир-саноатларга тўла. Яқинда Руминиянинг жануби-шарқида, Қора денгизга яқин жойда фоб топилган. Унинг қандайдир геологик ҳалокат сабабли бундан 5,5 миллион йил муқаддам ташқи оламдан мутлақо узилб қолганлиги аниқланди. Форда ва ундаги кўлнинг 1,5 метр чуқурлиқдаги тубида турли хил майда жониворлар яшар экан. Утган миллион йиллар давомида форда яшовчи жонотлар шаклан ўзгара борган. Жами 50 турдаги майда жониворларнинг 33 хили ҳозирча фанга мутлақо маълум эмаслиги гоё хайратланарлидир.

АҚШнинг Флорида штатида 16 ёшли ўспирин йигит тиссоҳни ўлдиргани учун жиноий жавобгарликка тортилши мумкин. Мазкур штатнинг табиати муҳофаза қилиш кўмитаси баёнотида келтирилишича, тиссоҳнинг бошиси ва думсиз танаси Флорида университетиди худудидан топилган. Қўлга олинган ўспирин жониворнинг кесиб олинган аъзоларини қаерга гумдон қилганини айтмаган. Маълумки, Америка тиссоҳи муҳофазага олинган жониворлар рўйхатига киритилган. Ўспириннинг айби исботланса, у беш минг АҚШ доллари миқдоридан жарима ва беш йил муддатга қамок жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

Англия жанубидаги Бигбери қўлтиғида Баре деб аталувчи оролча мавжуд бўлиб, у ерда жуда кўп қушлар яшайди. Бу ерда мяхмонхона, қаҳвахона, қушлар кўриқхонаси ва гулларга тўлган ўтлоқлар ястаниб ётади. Оролча майдони 11 гектар атрофида бўлиб, эндиликда нафақат қушлар кўриқхонаси, балки экологик тоза маскан деб ҳам эълон қилинди. Машҳур ёзувчи Агата Кристи бу оролда маълум вақт яшаб, китоблар ёзганлиги ҳам қизиқлиқ тўғрисида. Оролда машиналар юришига йўл қўйилмади. Хатто моторли қайиқлар ҳам бу масканга яқинлаштирилмади. Оролга моторсиз «Денгиз трактори» денгиз суви кўпайиб-қамайиб туриши ҳисобига соатига беш километр тезликда олиб бориб кўйди.

Япанот пойтахтининг 110 йиллик айланма йўли ҳисобланади. Ҳозирги кунда Япония пойтахти мекнаткашлари ва мекмонлари йўлнинг 28 та станциясини бир соат ичида босиб ўтадилар. Узунлиги юз километр атрофида бўлган бу йўлдан йилга 1 миллиардга яқин йўловчи фойдаланади. Шу йўлда юрвучи поездлардан бири 55 йилдан ортқ вақт давомида йўловчиларга хизмат қилганига қайд қилинди. Шу даврда у 3 миллион 800 минг километр масофани босиб ўтган. Демак, поезд ер билан ой ўртасидаги масофада 10 марта қатнаган бўлиб чиқади.

«Инсон вақтни кашф этди, «Сэйко» соати эса уни тақомиллаштирди», дейилади Япониядаги бутун жаҳонга машҳур соатсозлик фирмасининг маҳаллий газеталарида мунтазам пайдо бўлиб турувчи рекламасида. Балки, кимдир бу ҳикматнинг тўғрилиги шубҳа билан қарар, бироқ япониялик соатсозларнинг ўз маҳсулотларини илҳом борица мукамалроқ ва истеъмолчиларнинг хилма-хил талабларига жавоб берадиган қилиб тайёрлашга доимий интилишлари — ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин қолдирмайдиган ҳақиқатдир. Японияда сотила бошлаган кўл соатлари бунинг сўнгги далилидир. «Торэй» компанияси ёзги мавсумни шу соатларни ишлаб чиқариш билан бошлади. Бу соатларда вақтни кўрсатадиган йиллардан ташқари қўшдан таралаётган ултра бинафша нурларининг жадаллик даражасини ўлчайдиган асбоб бор, ўзига хос овоз сигнали эса, соат эгасини у қўшда етарлича тобланганидан ва агар соатнинг маслаҳатига қулоқ солмаса, териси қуйиши мумкинлигидан огоҳлантиради. Соатнинг нархи — 12 минг иен. Бироқ шундай соатнинг бахтли эгаси ортққа тобланиш натижасида қўшдан терини даволаш учун дори-дармонлар сотиб олишга пул сарфламаслиги ҳисобга олинмаган бўлса, бу сира қиммат эмас.

Швед олимлари таомномада нон ва картошкандан ташқари сабзавот, мевалар, қўжатлар ва шарбат бўлиши кераклигини таъкидлашмоқда. Ушбу маҳсулотлар таркибига углеводдан ташқари организм учун керакли бўлган витамин, минераллар мавжуд. Уларнинг фикрига кўра, ҳар кунги таомномада шарқ албатта бўлиши керак. Аниқланишича, шакар муқулларга энергия бериб, организмни углеводлар билан тўйинтиради. Унда семирши муаммоси хавфи пайдо бўладими деган савол юзага келиши мумкин. Бир-икки қошиқ шакар қотамизнинг ўзгаришига ҳеч қандай тўсиқлик қила олмас экан. Швед олимларининг олиб борган тадқиқотларига кўра, организмда ортқча вазн муаммоси юқоридан санаб ўтилган маҳсулотлар билан бирга кўп миқдорда ёғ ва кам миқдорда углевод тановул қилиши ҳисобига юзага келиши аниқланган.

Кўпчилик эркаклар ўз сеvimли аёлларига «меннинг олтиним» деб мурожаат қилаётганларида уларнинг бу меҳр тўла сўзлари ҳақиқатга нақадар яқинлигини хатто хаёлларига ҳам келтиришмайди. Замонавий аёл организмидеги миллион хил турли моддаларнинг қариб 2,64 қисми олтиндан иборатдир. Бу эркаклардаги нисбатан 5-6 баробар кўп. Москвадаги кимё-технология илмгоҳининг шундай хулосага келган олимлари рафикаларимизнинг қимматбаҳолиги сабабини ҳозирча изоҳлаб беришолмапти. Лекин вақти келиб, албатта фан бу жумбоқни ҳам ҳал қилади.

Грузия Республикаси олимлари безгак чивинига қарши курашнинг биологик усулини тақлиф қилдилар. Ҳар қандай касалликдан даволувчи энг яхши табиб — табиат. Унинг ҳазинасидан тиббий паразитология ва тропик таобот илмий-текшириш илмгоҳининг мутахассислари ўзига хос восита топдилар. Бир вақтлар америка китъасидан олиб келинган миттигина гамбузия бағлиги шундай восита бўлиб чиқди. Чивин тухуми бу балик учун энг тотли таомдир. Турғун сувда жуда зич ўсадиган сув ўтлари туфайли гамбузия яшай олмаётганини кўрган зоологлар сув ҳавзаларига Амур дўнггешона балиқларини қўйиб юбордилар. Бу балиқлар сув ўтларини еб кун кўради. Шу тариқа муаммони ҳал қилишга муваффақ бўлинди. Бунинг устига қўтилмаганда бошқа фойда ҳам чиқиб қолди. Республика аҳолиси безгак чивиндан ишончли муҳофаза қилинди ва уларнинг дастурхонидан балиқ аримайдиган бўлди.

Швециянинг пойтахти бўлиши Стокгольм билан Луло шаҳри оралиғида қатнайдиغان поезд ўз кинозалига эга. Кинозалда 36 та ўриндиқ бор. Икки шаҳар ўртасида 14 соатлик йўл, шунинг учун ҳам бемалол кино кўриб кетса бўлади. Кинозалда аввал болалар учун, кейин оилавий томоша учун, сўнг фақат катталар учун фильмлар намойиш этилади.

«Давлат хизматчиси педагогик, илмий ва ўзга турдаги ижодий фаолиятдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас» деб белгиланган. Мазкур ҳуқуқий чекловлар давлат хизматининг алоҳида хусусиятларини мустақамлашди. Уларнинг мазмуни ақсарият ҳолларда давлат органларига тегишли ваколатларни ижро этишда самара берадиган профессионал фаолиятни таъминлаш, давлат хизматлари томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган суиистеъмолликларнинг олдини олиш, мустақил

«Давлат хизматчиси педагогик, илмий ва ўзга турдаги ижодий фаолиятдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас» деб белгиланган. Мазкур ҳуқуқий чекловлар давлат хизматининг алоҳида хусусиятларини мустақамлашди. Уларнинг мазмуни ақсарият ҳолларда давлат органларига тегишли ваколатларни ижро этишда самара берадиган профессионал фаолиятни таъминлаш, давлат хизматлари томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган суиистеъмолликларнинг олдини олиш, мустақил

«Давлат хизматчиси педагогик, илмий ва ўзга турдаги ижодий фаолиятдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас» деб белгиланган. Мазкур ҳуқуқий чекловлар давлат хизматининг алоҳида хусусиятларини мустақамлашди. Уларнинг мазмуни ақсарият ҳолларда давлат органларига тегишли ваколатларни ижро этишда самара берадиган профессионал фаолиятни таъминлаш, давлат хизматлари томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган суиистеъмолликларнинг олдини олиш, мустақил

«Давлат хизматчиси педагогик, илмий ва ўзга турдаги ижодий фаолиятдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас» деб белгиланган. Мазкур ҳуқуқий чекловлар давлат хизматининг алоҳида хусусиятларини мустақамлашди. Уларнинг мазмуни ақсарият ҳолларда давлат органларига тегишли ваколатларни ижро этишда самара берадиган профессионал фаолиятни таъминлаш, давлат хизматлари томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган суиистеъмолликларнинг олдини олиш, мустақил

«Давлат хизматчиси педагогик, илмий ва ўзга турдаги ижодий фаолиятдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас» деб белгиланган. Мазкур ҳуқуқий чекловлар давлат хизматининг алоҳида хусусиятларини мустақамлашди. Уларнинг мазмуни ақсарият ҳолларда давлат органларига тегишли ваколатларни ижро этишда самара берадиган профессионал фаолиятни таъминлаш, давлат хизматлари томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган суиистеъмолликларнинг олдини олиш, мустақил

«Давлат хизматчиси педагогик, илмий ва ўзга турдаги ижодий фаолиятдан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас» деб белгиланган. Мазкур ҳуқуқий чекловлар давлат хизматининг алоҳида хусусиятларини мустақамлашди. Уларнинг мазмуни ақсарият ҳолларда давлат органларига тегишли ваколатларни ижро этишда самара берадиган профессионал фаолиятни таъминлаш, давлат хизматлари томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган суиистеъмолликларнинг олдини олиш, мустақил

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари БОШ ҚОМУСДА — АСОСИЙ ҚОИДАЛАР МУЖАССАМ

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ВА САЙЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИ — ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЭНГ ЗАРУР ТАРКИБИЙ ҚИСМИ БЎЛИБ, МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК ВА ДЕМОКРАТИЯНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИДАН БИРИНИ ИФОДА ЭТАДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА САЙЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТҚАЗИШНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ МУСТАҚАМЛАНГАН ВА У ЭНГ ОЛИЙ ЮРИДИК КУЧГА ЭГА БЎЛИБ, МАМЛАКАТНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА БЕВОСИТА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ ВА ҚЎЛЛАНИЛАДИ.

дан сўнг мазкур қонуннинг қайси жиҳатлари маъқул ва қандай қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритилиши керак, деган масала оидинлашди.

Маълумки, у ёки бу ҳуқуқий ҳужжат аниқлик сичновлик билан ишлаб чиқилган бўлмасин, унда кундалик ҳаётий вазиятларнинг барча қирраларини, жумладан, келажакда тартибга солинадиган жиҳатларини охиригача назарда тутиб бўлмайди. Бундан ташқари, қонундаги бўлишлар ҳаракат жараёнидаги ўзгаришлар ва янги ҳаётий вазиятларнинг юзага келиши давомида ҳам пайдо бўлиши мумкин. 2006 йилдаги фуқаролар йиғинига ўтказилган сайловларга тайёргарлик пайтида ҳукумат даражасида ишлаб чиқилган «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш масалаларини ташкил этиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш бўйича услубий қўлланма ва тавсиялар»да оқсоқолликка «номзоднинг фақат раис (оқсоқол) лавозимига фаолият кўрсатиши (ўриндош-

алоҳида қонун ҳали қабул қилинмаганлиги боис, фуқаролар йиғини раиси давлат хизматчиси сифатида ўриндошлик асосида фуқаролар йиғини раиси вазифасини амалга ошириши мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан белгиланмаган.

Вужудга келган вазиятдан чиқинчи йўли борми? Бошқа мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилиб кўрайлик. 1983 йилда французлар оммавий хизматчилар ҳуқуқи ва мажбуриятларини тартибга солишчи, 1984 йилда давлатнинг оммавий хизматчилари мақомига оид қонун, шунингдек, маҳаллий оммавий хизматчиларнинг мақомини белгилайдиган қонунлари қабул қилди. 1927 йилда Швейцарияда «Давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисида» федерал қонун қабул қилинди ва ҳозирги кунга қадар амал қилмоқда. Демократик мамлакатларнинг мисолида Эрон Ислон Республикасини олиб қарайдиган бўлсак, «Вазирлик, давлат ва давлатга қарашли муассаса кадрларини қайта таққил этиш

қонунчилик назарда тутилмоқда», давлат хизматчиларига қўйилган талаблар ва мажбуриятлар амалда умумий принципларга риоя қилади. Хусусан, барча хизматчилар ахлоқли, ҳалол, жамоат манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилишининг оқори стандартларига жавоб бериши керак, хизматчиларни ўзининг соҳасини профессионал даражада ўлаштириш бўлишига қараб ёллаш, соҳасини яхши билмайдиганларни ўқитиш, ўз фаолиятини белгиланган стандарт даражасида олиб бормайдиганлари ёки олиб бора олмайдиганларни вазифасидан озод этиш лозим, давлат хизматчиси профессионал асосда даромад келтирадиган хусусий фаолият билан шуғулланмаслиги керак, ҳар бир давлат хизматчиси ўз мамлакатининг фуқароси бўлмоғи ва ўз фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланиши лозим. Россия Федерациясининг «Россия Федерациясида давлат хизматининг асослари тўғрисида»ги ва «Муниципал хизмат асослари тўғрисида»ги қонунларнинг 11-моддаларига асо-

хизмат фаолиятини амалга ошириш учун лозим бўлган шартлоллар яратилган иборатдир. Қайд этилган қонунлар давлат хизматчиларининг бошқа давлат органларида, муассасаларида, қорхоналарида, ташкилотларида ва жамоат бирлашмаларида ўзга мансабларни эгаллаб туришининг тақиқланишини назарда тутди. Ушбу талаб давлат органининг муайян ваколатига боғлиқ қолганликни ёхуд қимнингидир назорати остида бўлишини билдирмайди, шунингдек, ҳисоб беришлик билан боғлиқ эмас. Мазкур қонунлар доирасида ўриндошлик асосида иш фаолиятини олиб боришни тақиқланганлиги давлат хизматчиси томонидан асосий иш вақтини хизмат фаолиятига бағишланиши кераклиги билан ифодаланади.

Хорик тажрибасини эътиборга олган ҳолда, «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш масалаларини ташкил этиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш бўйича услубий қўлланма ва тавсиялар»даги ўрин-

МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ АВЛОДГА ТАЪЛИМ БЕРИШ, УЛАРНИ БИЛИМЛИ ВА ЗУККО ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ, ТУРЛИ ЙЎНАЛИШЛАРДА ИЖОД ҚИЛАЁТГАН ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА УЛАРНИ РАҒБАТЛАТИРИШ БОРАСИДА ҚАТОР ИЖОБИЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Танловлар

ЛОБАР ВА ДОНО ҚИЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Қувонарлики шундаки, юртимизда турли соҳаларда ўз истеъодларини намойиш этиётган иқтидорли ёшлар сафи йилдан йилга ортқ бормоқда. Улар шаҳар ва республика бўйича ўтказилаётган хилма хил мавзудардаги фестиваллар, танловлар, олимпиадаларда ўз маҳоратларини намойиш этиб, улкан ютуқларга эришмоқдалар. Хусусан, республикамизда ёшлар ўртасида турли таълим грантларининг эълон қилиниши, таълим олиш учун ёшларга берилаётган имкониятлар келажакда ёшларнинг ақлий салоҳиятини юксак даражада кўтарилишидан дарак беради.

Маълумки, Президентимизнинг 1999 йил 10 июндаги Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича тақлифлари қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармони бўйича ушбу мукофот таъсис қилинди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти мамлакатимиз ёшлари, иқтидорли ва истеъодли қизларнинг ҳаётида ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қилинди. Ҳар йили мамлакатимизда иқтидорли қизларнинг истеъодларини юзага чиқариш ва уларни қўллаб-қувватлаш ва ушбу мукофотга номзодларни саралаш мақсадида Зулфияноним қизлари курик-танловли ўтказиб келинмоқда. Ва улар орасидан энг муносиблари Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлмоқдалар.

Айни кунларда шаҳримизнинг барча туманларида «Зулфияноним қизлари» курик-танловининг туман босқичлари ўтказилмоқда. Жумладан, яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси томонидан «Зулфияноним қизлари» курик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Танловда тумандаги олий ўқув юрталари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган

14 ёшдан 22 ёшгача бўлган истеъодли қизлар иштирок этидилар. Саҳнага чиққан бири-биридан лобар ва доно қизлар танлов шартларига кўра адабиёт, фан, таълим, санъат, маданият соҳаларида ўз иқтидорларини, зукқоликларини, ўқир экан ва маҳоратларини намойиш этиб, ўзaro беллашдилар. Танлов иштирокчиларининг ҳар бир чиқишларини ҳайрат аъзолари муносиб баҳолаб бордилар. Саҳнада ўз ижоди ва санъатини намойиш этган қизларни залга йиғилганлар олқишлар билан қўллаб-қувватлаш туришди. Танлов қизлар томонидан ижро этилган жозибали қўшиқ ва рақслар, қизқарлик саҳна кўринишлари билан янада шодибна ва файзли ўтди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти мазмун ва моҳияти билан Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан ёшларга ва уларнинг келажакига қўрсатилган катта эътибор ва ғамхўрлик тисмолидир, — дейди Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Сурайё Пўлатова. — Мазкур мукофот бугун мамлакатимиз қизларининг эъгу юрғаларини, орзу-умидларини амалга ошириш воситасига айланди. Қувонарлики шундаки, ҳар йили туманимиздан ушбу мукофотга номзодлар сони ошиб бормоқда. Бу дегани қизлар орасида билимли,зукқо, истеъодли ёшлар сафи кўпаймоқда. Уйлаيمанки, қизларимиз орасида Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўладиган муносиблари бор. Уларга келгусида омад тилаймиз.

Шодибна ўтган тадбир сўнгида танлов иштирокчилари ҳомиёлар ва ташкилотчилар томонидан Фаҳрий ёрлик ҳамда сздалик совғалари билан тақдирландилар.

ДИЛРАБО АКРОМОВА СУРАТДА: танловдан лавҳа.

2008 — Ёшлар йили БОЛАЛАР УЧУН САЁХАТЛАР

Ёшлар Ватанга муҳаббат, халқимизнинг бой маданий меросига ҳурмат руҳида тарбиялаш ва уни ўрганиши тарғиб қилиш мақсадида тарихий жойларга уюштирилаётган саёхатлар шулар жумласидандир. Бундай тадбирларда ҳозиргача 100 мингдан зиёд болалар иштирок этди. Кузги таътил кунларида Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги кам таъминланган оилалар фарзандлари ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан 40 нафарининг Самарқандга саёхати ташкил этилди. Болалар қадимий шаҳарнинг ноёб мезморий ансамбллари билан танишишда ҳамда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан шаҳарда ис-

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ҲАР ТОМОНЛАМА БАҲАРАМОЛ АВЛОДИНИ ТАРБИЯЛАШ, ЁШЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ, ИСТЕЪДОДИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШ, МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ ВА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР ФАРАНДЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАДБИРЛАР ЎТҚАЗИЛМОҚДА.

тиқлол иморатда қад ростилаган муҳташам йилларда, шоҳқулавлар, сайилгоҳлар ва боғларни томоша қилдилар. Жамғарманинг ҳудудий бўлиmlари томонидан ҳам болаларга кузги таъ-

тил кунларини қизқарли ва мазмунли ўтказишга ёрдам бериш учун хайрия тадбирлари уюштирилмоқда. Мария УХАНОВА (ЎЗА)

ПОКИСТОН НАШРЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗДА КЕЧАЁТГАН ЖАРАЁНЛАРНИ КЕНГ ЁРИТИШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ПОКИСТОНДА НАШР ЭТИЛАДИГАН ҚАТОР ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРДА ЮРТИМИЗГА БАҒИШЛАНГАН ТУРКУМ МАҚОЛАЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Покистоннинг инглиз тилида чоп этиладиган марказий нашрларидан бири «The Nation» газетасида «Ўзбекистон: таракқиётнинг 17 йили. Янги марралар ва мақсадлар сари» сарлавҳали катта мақола чоп этилди. Унда мамлакатимиз мустақиллик йилларида очик, дунёвий ва демократик жамият қуриш бора-сида салмоқли натижаларга эришгани таъкидланади. «Ўзбекистон улкан табиий захираларга эга бўлган, саноати жадал ривожланаётган мамлакатдир», — дейилади мақолада.

«Pakistan Observer» нашри ўқувчилар эътиборига Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллиги ҳамда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга бағишланган мақолаларни ҳавола этади. «Соғлом авлод. Миллатнинг куч ва қудрати» деб номланган мақолада соғлиқни сақлаш соҳасини тақомиллаштиришга йўналтирилган ислохотлар натижасида мамлакатимизда оилавий поликлниклар тизими ташкил этилгани таъкидланади. «Аёлларга қўрсатилаётган тиббий хизматларнинг сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимига Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган перинатал ёрдам кўрсатишининг замонавий тамойиларини жорий этиш», — деб ёзади нашр.

Ўзбекистонга бағишланган туркум мақолалар урду тилида нашр этиладиган «Ittehad» газетаси саҳифаларидан ҳам ўрин олган. «Хорижий сармояларни жалб қилишининг истиқболли йўналишлари» мақолисида 2007 йилда Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган хорижий сармоялар миқдори 2005 йилги кўрсаткичга нисбатан икки баробар ўсгани таъкидланади. Наршнинг фикрича, жалб қилинаётган маблаг давлат томонидан қафолатланиши хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини янада кўчатиримоқда.

«Balochistan Today» оилак журналда Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани ҳақида ёзилди. Хусусан, мамлакатда олий таълимнинг икки босқичли — бакалаврият ва магистратура тизими жорий этилгани таъкидланди. «Бакалаврият учун дастур меҳнат бозори талабини инобатга олган ҳолда тузиб чиқилган, шунингдек, талабаларнинг ўз билимларини мунтазам тақомиллаштириш боришлари таъминланган, — деб ёзади журнал. — Ўз олдига аниқ мақсадни қўйган йигит-қизлар ҳозирги Ўзбекистоннинг илм-фан, сиёсат ва ишлаб чиқариш соҳаларида етакчи ўринларни эгалламоқда. Улар умумий ва махсус билимларни эгаллаган ҳолда миллий ва умуминсоний қадриятларни яхши англайди, иқтисодиётнинг ривожланишига, жамиятнинг демократлаштириш, мамлакатнинг кучли ва буюк келажакини барпо этишга ўз ҳиссасини қўшишга ҳамиша тайёр».

«The Post» газетаси саҳифаларидан «Ўзбекистонда 2008 йил биринчи ярмидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари» мақоласи ўрин олган. Ўзбекистоннинг жорий йил биринчи ярмидаги микро ва макроеқтисодий кўрсаткичлар хусусида ёзиб, муаллиф макроеқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиши япни ички маҳсулотнинг жорий йил биринчи ярмида 9,3 фоизли ўсишга олиб келганига эътибор қаратади.

Газетанинг «Ўзбекистон ривожланиш ва таракқиёт йўлида» мақоласида мамлакатда яратилган қўлай сармоявий муҳит туфайли иқтисодий кўрсаткичлар жадал ўсаётгани таъкидланади. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик ривожини қўллаб-қувватлаш натижасида ярим йил давомида йил бошига нисбатан сезиларли ўсишга эришилди», — деб ёзади нашр.

Мамлакатимизга бағишланган мақола ва фоторепортажлар, шунингдек, «Weekly Pulse», «Mukalata», «Vipuski» ва Покистоннинг бошқа нашрларида ҳам эълон қилинган.

«Жаҳон» АА, Исломобод.